



TODAY'S STATE OF ACTIVITY OF INTERNAL AFFAIRS BODIES IN THE PREVENTION OF OFFENSES DURING PUBLIC EVENTS

Astanov Rustam Uraz ugli

Independent applicant for the Center for Scientific and Applied Research on Public Security Issues of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

E-mail: rustamastanov086@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20427944>

ARTICLE INFO

Received: 20th May 2026

Accepted: 27th May 2026

Online: 28th May 2026

KEYWORDS

Maintaining public order, ensuring public safety, rights and freedom, responsibility, citizenship of a foreign country, legal provision of public safety activities, public events.

ABSTRACT

This article is devoted to the issues of maintaining public order and ensuring public safety in our country, as well as the activities of mass events. It is devoted to the need to organize the activities of internal affairs bodies to implement measures to ensure the conduct of cases on administrative offenses and to provide them with sufficient training manuals in the field of implementing these measures, as well as in training qualified personnel for this activity.

From this point of view, relations in this area in the Republic of Uzbekistan are regulated by laws and by-laws, as well as moral norms, customs and traditions, and provide for liability for any violations of the law aimed at encroaching on relations in the field of ensuring public order. The legislative acts of the Republic of Uzbekistan on Administrative Liability also provide for the administrative liability of foreign citizens and stateless persons.

СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ ПО ПРЕДОТВРАЩЕНИЮ ПРАВОНАРУШЕНИЙ ВО ВРЕМЯ ПУБЛИЧНЫХ МЕРОПРИЯТИЙ

Astanov Rustam Uraz ugli

Самостоятельный соискатель Центра научно-прикладных исследований вопросов общественной безопасности МВД Республики Узбекистан

E-mail: rustamastanov086@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20427944>

ARTICLE INFO

Received: 20th May 2026

Accepted: 27th May 2026

Online: 28th May 2026

KEYWORDS

Поддержание общественного порядка, обеспечение общественной безопасности, права и

ABSTRACT

Данная статья посвящена вопросам поддержания общественного порядка и обеспечения общественной безопасности в нашей стране, а также деятельности массовых мероприятий. Сегодня она посвящена необходимости организации деятельности органов внутренних дел по осуществлению мер по обеспечению рассмотрения дел об административных правонарушениях и обеспечению их достаточным



свободы,
ответственность,
гражданство
иностранного
государства, правовое
обеспечение
деятельности по
обеспечению
общественной
безопасности, массовые
мероприятия.

количеством учебных пособий в области
осуществления этих мер, а также по подготовке
квалифицированного персонала для этой
деятельности.

С этой точки зрения, отношения в этой сфере в
Республике Узбекистан регулируются законами и
подзаконными актами, а также моральными
нормами, обычаями и традициями, и
предусматривают ответственность за любые
нарушения закона, направленные на посягательство
на отношения в сфере обеспечения общественного
порядка. Законодательные акты Республики
Узбекистан об административной ответственности
также предусматривают административную
ответственность иностранных граждан и лиц без
гражданства.

ОММАВИЙ ТАДБИРЛАР ЖАРАЁНИДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ

Астанов Рустам Ураз ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Криминология институти мустақил изланувчиси

E-mail: rustamastanov086@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20427944>

ARTICLE INFO

Received: 20th May 2026

Accepted: 27th May 2026

Online: 28th May 2026

KEYWORDS

Жамоат тартибини
сақлаш, жамоат
хавфсизлигини
таъминлаш, ҳуқуқ ва
эркинлик, жавобгарлик,
чет давлат
фуқаролиги, жамоат
хавфсизлиги
фаолиятини ҳуқуқий
таъминлаш, оммавий
тадбирлар.

ABSTRACT

Ушбу мақола мамлакатимизда жамоат тартибини
сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда
оммавий тадбирлар фаолияти масалаларига
бағишланган. Бугунги кунда ички ишлар
органларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги
ишларни юритишни таъминлаш чораларини қўллаш
фаолиятини ташкил этиш ва ушбу чораларни амалга
ошириш соҳасида, шунингдек, бу фаолият учун
малакали кадрлар тайёрлашда етарли даражада ўқув
қўлланмалар билан таъминлаш заруратига
бағишланган.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасида
мазкур соҳадаги муносабатлар қонун ва қонуности
ҳужжатлар ҳамда ахлоқ нормалари, урф-одат ва
анъаналар билан тартибга солинади ҳамда жамоат
тартибини таъминлаш соҳасидаги муносабатларга
тажовуз қилишга қаратилган ҳар қандай ҳуқуққа
хилоф қилмишлар учун жавобгарликни назарда
тутади. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий



жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги ҳам назарда тутилган.

Республикамизда ўтказилаётган оммавий тадбирлар даврида фуқаролар хавфсизлиги ва жамоат тартибига катта хавф туғилиши табиийдир. Охириги йиллардаги таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, террористик ва экстремистик ташкилотлар ўзларининг жиноий ҳаракатларини амалга ошириш, фуқароларни саросимага солиш ва катта талофатлар келтириб чиқариш мақсадида асосий объект сифатида оммавий тадбирларни танлаётганлиги кузатилмоқда.

Жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига хавф оммавий тадбирларни ўтказишнинг белгиланган тартибини бузиш, уларни ўтказиш жойини тайёрланмаганлиги, катта гуруҳдаги одамларнинг ҳаракатини тартибга солиш бўйича чораларни ўз вақтида кўрилмаганлиги сабабли содир бўлади. Жумладан, спорт иншоотларининг талаб даражасида жиҳозланмаганлиги оғир оқибатлар келтириб чиқаради.

Бугунги кунда ички ишлар органларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чораларини қўллаш фаолиятини ташкил этиш ва ушбу чораларни амалга ошириш соҳасида, шунингдек, бу фаолият учун малакали кадрлар тайёрлашда етарли даражада ўқув қўлланмалар билан таъминлаш зарурати мавжуд.

Ҳар қандай давлат фаолияти сингари давлат бошқаруви ҳам маълум бир принципларга таянган ҳолда амалга оширилади. Давлат бошқарувида қонунийлик деганда, давлат органлари (мансабдор шахслар) фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунлари асосида ташкил этилиши ва амалга оширилиши тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, қонунийлик бу – давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар томонидан қонунларга ва уларга асосланган бошқа ҳуқуқий актларга қатъий риоя қилиш (ижро этиш)дир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари асосида давлат фаолиятини амалга оширувчи органлар тузилмаси, уларнинг ҳуқуқий ҳолати, ўзаро муносабатлари қайта кўриб чиқилиб, замон талаблари даражасида ташкил этилмоқда. Маълумки, жамиятнинг ривожланиши билан турли хилдаги янги ижтимоий муносабатлар вужудга келиб, уларни ҳуқуқий тартибга солиш муаммоси вужудга келади. Бу жараёнда давлат органларининг тутган ўрни каттадир. Давлат олдида турган асосий вазифалардан бири сифатида давлат органларининг, уларда меҳнат қилувчи хизматчиларнинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга



солишни такомиллаштириш масаласи вужудга келди¹.

Ҳар қандай юридик жавобгарликнинг асосини қонунга хилоф, айбли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), яъни ҳуқуқбузарлик ташкил этади. Ҳуқуқбузарликлар ўзининг мазмуни, юридик хусусиятлари ва таркибига эга бўлиб, турли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Масалан, маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, жиноий ҳуқуқбузарлик учун эса жиноий жавобгарлик юзага келади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш учун аввало маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини пухта билиб олиш лозим.

Маъмурий жавобгарлик – юридик жавобгарликнинг алоҳида тури ҳисобланиб, бир вақтнинг ўзида маъмурий мажбурлашнинг бир тури ҳамдир. Маъмурий жавобгарлик – айбдорга нисбатан маъмурий ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган доирада жазо қўллаш ҳисобланиб, у маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган, айбдор шахсга нисбатан ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан маъмурий-процессуал тартибда маъмурий жазони қўллашдир.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида маъмурий жавобгарликнинг субъектлари қуйидаги уч гуруҳга бўлинган:

умумий, махсус ва алоҳида. Умумий субъект ҳар қандай 16 ёшга тўлган жисмоний шахс ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 13-моддасида маъмурий жавобгарлик субъекти умумий ҳолда кўрсатиб ўтилган. Махсус субъект умумий субъектга қараганда ўзига хос хусусиятга (қўшимча белгига) эга бўлган субъектдир.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг махсус субъектига мансабдор шахслар, ҳайдовчилар, вояга етмаганлар ва бошқаларни киритиш мумкин. Мазкур шахслар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар ва уларга нисбатан қўлланиладиган жавобгарлик ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар уларнинг эгаллаб турган лавозими ёки мансаби билан ёхуд улар зиммасига юкланган вазифалар (мажбуриятлар)нинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги билан боғлиқ ҳолда содир этилади.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 125-моддасига биноан, фойдаланиш ман этиладиган даражада носоз транспорт воситаларини бошқариш учун фақатгина ҳайдовчилар жавобгарликка тортилиши мумкин. Чунки, фақат ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлади. Маъмурий жавобгарлик 16 ёшга тўлган фуқароларга нисбатан қўлланилиши белгиланган. Лекин 16

¹ Қаранг: Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / Н. Т. Исмоилов, Ў. Х. Мухамедов, А. С. Турсунов ва бошқ.; Ш.Т. Икрамов ва И. А. Хамедов таҳрири

остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 465-б.



ёшдан 18 ёшгача бўлган фуқаролар вояга етмаганлар тоифасига киришини ҳам унутмаслик керак. Уларнинг маъмурий жавобгарлиги, одатда, махсус қоидалар билан тартибга солинади. Алоҳида субъект интизом уставлари ёки хизмат тўғрисидаги низомлар татбиқ қилинадиган шахслар, масалан, ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, ички ишлар органларининг оддий сафдорлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг алоҳида субъектлари махсус субъектларнинг алоҳида гуруҳини ташкил этади. Алоҳида субъектлар ҳам махсус субъектлар сингари ўзига хос хусусиятларга эга. Қонунчилик ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарликнинг у ёки бу субъектлари доирасига қаратилган жавобгарликнинг қўшимча асослари ёки унинг юқори ҳажми, бошқаларига нисбатан эса маъмурий жавобгарликни қўллашда чекланишлар кўрсатиб ўтилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 53-моддасига биноан санитария қонунчилик ҳужжатларини, санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларини бузиш, фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида хорижий

фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги ҳам назарда тутилган. Бу тоифадаги шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик субъектларининг қайси гуруҳига киради деган савол туғилиши мумкин. Агар чет эл фуқаролари дипломатик иммунитет (дахлсизлик) ҳуқуқидан фойдаланмаса, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сингари умумий асосларда жавобгарликка тортилади. Агар бундай ҳуқуққа эга бўлса, уларнинг жавобгарлиги масаласи халқаро шартномаларда (ёки давлатлар ўртасида тузилган халқаро битимларда) назарда тутилган тартибда ҳал қилинади. Демак, улар маъмурий ҳуқуқбузарликнинг ҳам умумий субъекти, ҳам махсус субъекти сифатида намоён бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг жавобгарлиги назарда тутилади. Масалан, МЖТКнинг 225-моддасида Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш, яъни Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаши, вақтинча ёки доимий рўйхатга туриш, кўчиш ёки тураржой танлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этмаслиги, бўлиш муддати тугагач чиқиб кетишдан бўйин товлаши, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш тартибига риоя қилмаслиги учун хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам маъмурий жавобгарликка



тортилишлари мумкин. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Ўзбекистон Республикаси МЖТКга биноан, фақатгина жисмоний шахслар маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Айрим давлатлар, масалан Россия Федерациясида, юридик шахслар ҳам маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик МЖТК ва бошқа норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган доирада ва тартибда қўлланилади. Маъмурий жавобгарликка тортишда содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, унинг айбдорлик даражаси, мулкӣ аҳволи, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинади.

Маъмурий жавобгарлик қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

- бу давлат мажбурлови бўлиб, давлат фаолиятининг турли соҳаларида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун қўлланилади;
- айбдор шахслар қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ваколатли органлар, мансабдор шахслар томонидан жавобгарликка тортилади;
- маъмурий жавобгарликка тортилганлар судланган ҳисобланмайди;
- енгил жазо берилади ва жазо муддати қисқа белгиланади;
- моддий жавобгарлик моддий зарар етказилгандагина қўлланилади, маъмурий жавобгарликка эса моддий зарар етказилмаган бўлса ҳам тортиш мумкин.

Фикримизча, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар инсон ва фуқаролардан ўз бурчларини адо этишларини талаб қилар экан, уларнинг ўзлари ҳам қонунийлик талабларига риоя қилишлари лозим бўлади. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган ҳар бир қонун амалда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашга йўл қўймасликка ҳамда уларининг амалда тегишли таъминлашга қартилган. Шунинг учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз функцияларини амалга оширишларида фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига зиён етказмасликлари керак.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳозирги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар зарур замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан таъминланган бўлса-да, оммавий тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш учун етарли равишда тайёр дея олиш қийин. Жумладан, айрим оммавий тадбирларни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлашдаги ички ишлар органларининг бевосита ҳаракатларида, бошқа ҳуқуқни



муҳофаза қилувчи органлар ҳамда ҳоқимият ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишда тизимлилик етишмайди. Шунингдек, ходимларнинг мазкур тадбирлардаги ҳаракатлари ҳуқуқий жиҳатдан тўла таъминланмаган.

Россиялик ҳуқуқшунос олим Д.А.Коротченковнинг фикрича, оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда ўтказилаётган тадбирни қонуний ёки ноқонуний эканлиги ҳам катта аҳамиятга эгадир².

Профессор И.Исмаиловнинг фикрича, “Жамоат тартибини саклашнинг самарали ташкил этилиши, энг аввало, фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги ва ҳаётини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда жамоат хавфсизлигига таҳдид қилиши мумкин бўлган жиноий ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тажовузларини бартараф этиш имконини беради”³.

Ички ишлар органларининг кўп йиллик амалий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда жамоат тартиби ва хавфсизлиги таъминланадиган оммавий тадбирларнинг *асосий белгиларига қуйидагиларни киритиш мумкин:*

– кўп сонли кишилар оммасининг бўлиши (минг, 10 минг ва 100 минг) бир неча минг иш ташлашлар, намоишлар, йирик спорт мусобақалари;

– улар ҳаракатининг муайян тарзда ташкил этилганлиги;

– бундай оммавий тадбирларни жамоат жойларида амалга оширилиши;

– тадбир иштирокчилари мақсадларининг ягоналиги.

Оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш босқичида ички ишлар органлари маъмурий-ҳуқуқий мажбурлов чораларидан кенг фойдаланади. Мажбурлов орқали ҳуқуқ-тартибот, мулкчилик, фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари, оммавий ҳоқимиятнинг нормал фаолият юритишини таъминлайди. Жамиятда

мажбурловнинг турли кўринишлари мавжуд бўлиб, таъсир этиш объектига қараб, руҳий, моддий, ташкилий ва жисмоний таъсир этишга бўлинади. Мажбурлов чоралари ҳуқуқнинг индивидуал субъектларига ҳам, жамоат субъектларига ҳам қўлланилиши мумкин. Ички ишлар органлари оммавий тадбирга тайёргарлик даврида қонуний мажбурлов чораларидан фойдаланадилар.

Мажбурлов чоралари, ҳуқуқшуносларни, биринчи навбатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва давлат фаолиятининг маълум бир услуги сифатида қизиқтиради. Ҳуқуқшунос олимлар Э.Ҳожиёв ва Т.Ҳожиёвларни фикрича, ҳуқуқий мажбурлов инсонларнинг қонунга зид,

² Коротченков Д.А. Проблемы правового регулирования организации и управления публичных мероприятий. Закон и право. – 2006. №7.

³ Исмаилов И. Ички ишлар органларининг маъмурий фаолияти. Дарслик. – Т., 2012. – Б.197.



жамият учун зарарли бўлган хулқ-атворига нисбатан давлат органларининг таъсири сифатида намоён бўлади. Шунингдек, қонун нормалари талабларини бузган ҳуқуқнинг аниқ субъектига нисбатан қўлланилади⁴.

Ҳар қандай мажбурлов чорасини ҳуқуқ нормалари билан рухсат этилган шахснинг мақомини ўзгартириш маъносида тушуниш лозим. Ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар, фақатгина ҳуқуқ доирасида, мажбурлов чораларини қўллаш ҳуқуқига эга бўлади. Давлат қайси органлар томонидан, қандай тартибда ва қандай мажбурлов чораларини қўлланишини тартибга солувчи ҳуқуқий актларни қабул қилиш ваколатига эга. Мажбурловни махсус апаратига эга бўлган давлатгина, фуқароларга ва ташкилотчиларга нисбатан қўллаши мумкин. Давлатнинг ҳуқуқий нормалари асосида фуқаролар ва нодавлат ташкилотларига ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилади.

Маъмурий-ҳуқуқий мажбурлов ички ишлар органлари томонидан кўп қўлланиладиган тури бу – маъмурий чеклаш чораларидир. Республикамизда ҳар йили минглаб ўтказилаётган оммавий тадбирлар даврида жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари томонидан тадбирга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш босқичларида маъмурий чеклаш

чоралари мунтазам равишда қўлланиб келинмоқда.

Маъмурий чеклаш чоралари – ҳуқуққа хилоф қилмишлар ва ижтимоий хавфли оқибатларнинг юз беришини бартараф этиш мақсадларида қўлланиладиган мажбурий таъсир этиш усуллари ва воситаларидир.

Фикримизча маъмурий чеклаш чораларининг турлари, уларнинг мақсадига, хусусиятига ва таъсир этиш объектига кўра қуйидагиларга бўлишни таклиф этамиз:

1) Ҳуқуқбузар – жисмоний шахсга нисбатан қўлланиладиган чоралар.

– ҳуқуққа хилоф ҳаракатни тўхтатиш тўғрисидаги талаб;

– маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни маъмурий тартибда ушлаб туриш;

– ҳуқуқбузарга жисмоний таъсир этиш қурол ва бошқа махсус воситаларни қўллаш.

2) Ҳуқуқбузар – юридик шахсга нисбатан қўлланиладиган чоралар.

– корхона фаолиятини тухтатиб куйиш ёки уни ёпиш;

– лицензия беришни рад этиш, лицензиянинг амал қилишини тухтатиб қўйиш ёки бекор қилиш.

3) Техник хусусиятига эга булган чоралар.

– техник ҳолати белгиланган талабларга жавоб бермайдиган транспорт воситалардан фойдаланиш тўхтатиб қўйиш;

– оммавий тадбирлар саҳналарида фойдаланиладиган техник жиҳатларни фуқаролар

⁴ Хожисв Э., Хожиев Т. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: 2006. – Б. 497



хавфсизлигига таҳдид соладиган ҳолатларда тўхтатиб қўйиш.

4) Мулкий хусусиятга эга бўлган чоралар.

- ўқ отар қуролларини олиб қўйиш;

- ҳуқуқбузарлик буюми ёки ашёси бўлган мулкни олиб қўйиш.

5) Эпидемиологик хусусиятга эга бўлган чоралар.

- давлат санитария назорати органлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар;

- давлат ветеринария назорати органлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар.

6) Молия-кредит хусусиятига эга бўлган чоралар.

- молия интизомини бузиши йўли билан олинган пулларни қайтариб олиш;

- ташкилотнинг банк ҳисобини хатлаш.

Юқорида қайд этилганларни инобатга олиб, оммавий тадбир даврида ёки тадбир билан боғлиқ қонунга хилоф ҳаракатни тўхтатиш тўғрисидаги ички ишлар органлари ходимлари ёки бошқа ваколатли органларнинг талабини бажармаслик ижтимоий хавfli ёки оммавий тартибсизлик келтириб чиқаришини инобатга олиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 194-моддаси 2-қисмидаги “такрор содир этилган” жумладан кейин “ёки оммавий тадбир даврида” сўзларини киритиш мақсадга мувофиқ бўларди.

References:

1. Қаранг: Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / Н. Т. Исмоилов, Ў. Х. Мухамедов, А. С. Турсунов ва бошқ.; Ш.Т. Икромов ва И. А. Хамедов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 465-б.
2. Коротченков Д.А. Проблемы правового регулирования организации и управления публичных мероприятий. Закон и право. – 2006. №7.
3. Исмаилов И. Ички ишлар органларининг маъмурий фаолияти. Дарслик. – Т., 2012. – Б.197.
4. Хожисв Э., Хожиев Т. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: 2006. – Б. 497
5. Xatamov R.A. Ichki ishlar organlarining jamoat xavfsizligini ta'minlash sohasidagi islohotlar, ularning natija va istiqbollari // HUQUQIY OLAM ilmiy-amaliy jurnal. – No 1. – Sentabr. – 2022-yil. B. 11-12 (Xatamov R.A. Reforms in the sphere of public safety of the organs of internal affairs, their results and prospects // LEGAL WORLD scientific and practical journal. - No. 1. - September. - 2022 year. P. 11-12).
6. Съедин С.И. Основы управления. – М., 1995. – С. 29 (Syedin S.I. Fundamentals of management. - M., 1995. – P. 29).
7. Таджиханов У., Ахмедова С. Ички ишлар органларида бошқарувни ташкил этиш асослари. – Т., 2001. – Б. 40 (Tadjixanov U., Akhmedova S. Basics of organizing management in internal affairs bodies. - T., 2001. – P. 40)